

Бир бор экан, бир йўк экан, кадим замонда бир подачи чол билан кампир бор экан.

Уларнинг Насиба, Гулбахор ва Зулфия деган уч кизи бўлар экан.

Ойдан ой, йилдан йил ўтибди, кизларнинг бўйи етибди. Насиба йигирма бирга, Гулбахор ўн тўккизга, Зулфия ўн саккизга кирибди.

Чол-кампир кизларига совчи келмагани учун кеча-ю кундуз хафа бўлиб юришибди.

Кунлардан бир куни чол кампирга караб:

— Кариган чоғимизда жуда кийин ахволда колдик, бу уч киз ўгил бўлганда бизни бокарди. Хеч бўлмаса буларга совчи келса хам майли эди, у хам йўк, — деб зорланибди.

Кампир чолга жавобан:

— Бизнинг касбимиз кашшок подачилик бўлганидан кейин кизларимизни ким хам олар эди? — дебди. Чол ўйлаб туриб, кампирга бундай дебди:

— Бир маслахат бор, кизларимизни ўзимизга ўхшаган камбагалга берсак дейман. Агар улар маъкул топса, енгил-елпи тўй килиб, кизимизни берайлик!

Чолнинг бу маслахати кампирга маъкул тушибди.

Чолдан аввал кампир йўлга равона бўлиб, ккшлокдаги бойнинг кароллари билан бирма-бир учрашиб, хар кайсисига шундай дебди:

— Болам, сенга бир сўзим бор, кизларимнинг бўйи етди. «Тенг тенгги билан» дегандай, сен хам камбагал, мен хам. Топганигни тўй килиб, кизларимиздан холаганигни ола кол. Лекин кампирнинг бу сўзига хеч кайси карол кўнмабди, кампирнинг иши унмабди.

Бечора кампир пешонасига бир уриб, йўлга тушибди. Шундай килиб, подачининг кизлари куёвга чикмай юраверибдилар.

Бир кун кизлар сўзлашиб ўтириб: «Окжарнинг тути пишибди, бир бориб тутхўрлик килиб келмаймизми?» дейишибди. Сўнгра учовлари Окжарга кетишибди. Боришса, тут пишган, хамма ёк чаманзор, булбуллар сайрамоқда эмиш. Кизлар кундузи тут ейишибди. Кечаси чайлада иккиси ётиб ухласа, бири уйгок, ўтириб пойлабди. Учала киз шу ахволда юраверибди.

Энди гапни бошка ёқдан эшитинг:

Ўша юртнинг бир золим подшоси бор экан, ўгил-кизга зор экан, кирк хотини бор экан-у, хеч бири тугмас экан. У бир кун тахтда ўтириб, вазир-вузаролари, донишманд ва сипохиларини йигиб, уларга шундай дебди:

— Э ёронлар, мен подшолик даврини суриб, кўп кайфу сафо килдим. Энди умрим гам-андухда ўтмоқда. Оламдан ўтсам ўрнимда коладиган ўгил-кизим йўк. Шунинг учун камбагалми, кашшокми, менга барибир, тезрок бир киз топилсин, топилганда кирк кун улок чопилсин!

Шундан сўнг вазир-вузаролар маслахат килиб, хар ёкка таркалишибди. Подшо кирк хотинини йигиб:

— Эй хотинларим, сизларни кўп дунё сарф килиб олган эдим. Сизлар билан шу вақтгача яшадим, энди ёшим улгайиб колди. Хануз фарзанд кўрмаганим учун жуда хафаман. Энди яна уйланмоқчиман. Менга бир хотин олиб беринглар, — дебди.

Хотинлар хам рози бўлишибди.

Подшо: «Бир ўгил, бир киз кўрсам, катта тўй килар эдим», деб ўз-ўзича хурсанд бўлиб юраркан. Кирк хотини яширинча йигилиб, маслахат килишибди. Улардан бири туриб:

— Подшо уйланса, фарзанд кўрса, бизга газаб килса, ахволимиз кандай бўлар экан? — дебди. Шунда подшонинг катта хотини, яъни вазирнинг кизи бундай дебди:

— Хой, халойик! Подшо фарзанд кўрмаганидан яна уйланмокчи. Шунинг учун кашшок бўлса ҳам, етим бўлса ҳам бир киз топинглар!

Шунда бир киши туриб:

— Таксир, бир кошик конимдан кечсангиз, бир сўз айтсам, — дебди. Вазир:

— Айт! — дебди.

— Э жаноб вазир. Окжарга учта бўйи етган киз келганига ўн кунча бўлди. У ерда тут гарк пишган, кизлар кундузи тут ейдилар, кечаси бир чайлада ухлайдилар, ҳеч нарса билан ишлари йўқ. Учови ҳам гўзал, келишган киз. Агар жаноблари маъкул топсалар, шулар қалай бўлар экан?

Вазир:

— Мени ўша кизлар ёнига олиб бор, уларни бир кўрай-чи, қандай кизлар экан, — дебди. Вазир кизлар чайласи ёнига бориб кулок солса, улар гаплашиб ўтиришган экан. Насиба сингилларига қараб:

— Подшо мени олса, бор хунаримни ишлатиб, унга шохона кийимлар тикиб берар эдим. Бу кийимлар дунёда ягона бўлар эди, — дебди. Ўртанча киз Гулбахор:

— Подшо мени олса, унга ширин-ширин овкатлар пишириб берардим. Егани билан тўймас эди, — дебди. Кенжа киз Зулфия эса:

— Подшо мени олса, икки бола: Хасан ва Зухра тугиб берар эдим, — дебди.

Вазир бу сўзларни эшитиб бўлиб, чайлага кириб борибди. Кизлар уни кўриб, ўринларидан турибдилар. Вазир кизларнинг кийимларига тикилибди: кийимлари жулдур-жулдур экан. Вазир дархол подшо хузурига бориб, кўрган ва эшитганларини бирма-бир айтиб берибди.

Подшо вазирдан бу сўзларни эшитгач, терисига сигмай севинибди ва вазирга қараб:

— Майли, ўша кенжасини олай, — дебди. Сўнгра вазирни яна Окжарга юборибди.

Вазир Окжарга бориб кизлардан:

— Подшо Зулфияни олмокчи, нима дейсизлар? — деб сўрабди. Шунда Зулфия.

— Камбагал бўлса ҳам ота-онамиз бор, ўшалар билаи сўзлашсангиз яхши бўларди, — дебди.

Вазирга Зулфиянинг гапи маъкул тушиб, мулозимларидан бирини подачи чол хузурига юборибди. Мулозим подачи олдига бориб:

— Э ота, сизнинг кичик кизингизни подшо олмокчи. Сиз шунга нима дейсиз? — деб сўраганда, подачи бу сўзга ишонмай:

— Сиз мени алдамокчимиз? — дебди.

Мулозим чолнинг ишонмаганини Окжарга бориб вазирга айтибди. Вазир Окжардаги ҳамма одамларни йигиб, мўслахатлашибди:

— Э халойик, мен подачига мулозимимни юбордим. У чолга подшо Зулфияни олмокчи бўлганини айтибди. Подачи: «мени алдаётирсиз», дебди. Энди сизлар менга қандай маслахат берасизлар?

Аввал вазирни кизлар олдига бошлаб борган чол бундай дебди:

— Э вазир, «куш тилини куш билади» деган мақол бор. Кишлогимизда бир подачи чол бор. Ўша чолни кизларнинг отасига юборсангиз, балки унинг сўзига ишонар, — дебди.

Бу маслахат вазирга маъкул тушибди. Вазир айтибди:

— Хўп, майли, подачи чолни тезда чакириб келинг, гаплашиб кўрсин.

Подачи чолни чакириб келибдилар. У эса кўрканидан тинмай йиглаб, бундай дер эмиш:

— Таксир, мен гунохкор эмасман. Пода бокишдан бошқа ҳеч нарсани билмайман.

Ахволимга раҳм килинг. Халқ унга:

— Кўрма, бошка гап бор, — деса хамки, яна каттиқрок кўриб:

— Э таксир, бола-чакангизнинг рохатини кўринг, мен айбдор эмасман. Мен молларни ҳеч урмайман. Тўғри, бир вақт бир ола сизгир юрмаган эди. Унинг шохига бир урган эдим, холос... — дер эмиш. Вазир кулиб:

— Майли, гуноҳингни кечирдим, энди сенга бошка бир гап бор. Сенга икки кун мухлат берман. Подшо учун подачи чолнинг кичкина кизига совчи бўлиб борасан. Икки кундан кейин келиб жавобини менга айтасан, — дебди. Подачи:

— Хўп, таксир, хўп! Кизнинг отаси менга таниш, — деб хурсанд бўлиб чиқиб кетибди.

Подачи: «Осонгина кутулганимга шукур», деб кизнинг отасиникига равона бўлибди.

Йўлда ўз-ўзига: «Хайрият, вазирнинг кўлидан эсон-омон кутилдим», деб севинибди. Подачи кизнинг отаси қошига келиб, у билан саломлашибди. У ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, кизларнинг хол-аҳолини сўрабди. Шу кеча чолнинг уйида ётиб қолибди.

Эртасига эрта билан икковлари Окжарга жўнашибди.

Кизларнинг отаси подачига:

— Мен шу ерда тураман, сен вазир олдига бор, — дебди.

Окжарлик подачи вазирнинг ёнига келиб:

— Буйругингизни бажо келтирдим, — дебди. Вазир кулиб:

— Балли, ишни мухлатидан бир кун илгари тамом қилдинг. Қандай шарт-шароит қўйдинг? — деб сўрабди.

— Подачи чол кизларини кўргани келди, — деб жавоб берибди. Шу пайтда ота ўз кизлари билан гаплашмоқчи экан.

Зулфия отасига қараб:

— Агар шох менга уйланмоқчи бўлса, сизга қирк туя қиммат баҳо мол берсин, икки опамнинг бошидан-оёғига зар тўқсин, уларга яхши қийимлар қийдирсин, — дебди. Бу гап подшога маълум қилинибди.

Подшо кизнинг айтганларини тўла-тўқис бажо келтирибди, қирк кеча-ю қирк кундуз тўй-томошалар қилиб, Зулфияни олибди.

Орадан бир оз вақт ўтгандан сўнг чол-қампир қатта кизлари Насиба билан Гулбахорни ҳам узатиб, қўнгиллари тинчибди.

Кундан кун, ойдан ой ўтиб, йил тўлибди. Зулфиянинг туғиш вақтига бир ой қолибди.

Подшо хурсандликдан ҳар қуни овга чиқар экан. Зулфиянинг хомиладорлигидан ич-этларини еб юрган подшо хотинлари ҳар хил макр-хийлалар ўйлай бошлабдилар.

Подшонинг қатта хотини вазир отасига:

— Зулфия яқинда тугади, энди подшо бизга эътибор бермай қўяди, — деб ҳасрат қилибди.

Бошка хотинлар ҳам ҳасрат қилишибди. Шунда вазир:

— Сизлар ҳеч қимга айтманглар, подшо ҳам билмасин. Зулфия тугар вақтида бир қампир топиб, доя қиламиз, ҳисобини ўзи тўғрилайди, — дебди.

Кунлардан бир кун Зулфия эрига:

— Бугун аҳолим бошқача, ҳар хил сўзлар бўлаётганга ўхшайди, қўрмаман. Бугун сиз овга чиқманг, — деган экан, аҳоқ подшо Зулфиянинг сўзини писанд қилмай, овга чиқиб кетибди. Салдан сўнг Зулфияни тўлқок тутибди. Шу пайтда подшонинг аламзада хотинлари бир маккор қампирни чақиришибди. Маккор қампир подшонинг қатта хотинлари билан гапни бир жойга қўйиб, Зулфияга:

— Чирогим, Зулфия, подшо хотинлари тўлқок тутганда қўзларини рўмол билан маҳкам тангиб қўйишади. Сенинг ҳам қўзингни боғлаб қўйсак яхши бўлади, — деб Зулфиянинг

иккала кўзини боғлабди. Зулфия бир-биридан чиройли бир ўгил ва бир киз тугибди, бир оз беҳуш бўлиб ётибди.

Маккор кампир подшо хотинларига: «Янги туккан эчкининг бир ургочи, бир эркак боласини дарров топиб келинглар», дебди.

Кирк хотин кампирнинг айтганини даров бажо келтирибди. Кампир бўлса икки болани бир халтага солиб, яшириб қўйибди. Зулфия хушига келганда, кампир икки улокни Зулфияга кўрсатиб:

— Болам, хафа бўлма, такдиринг шу экан, одам боласи ўрнига, иккита эчки боласи тугдинг: бири эркак, бири ургочи. Подшонинг пешонаси шўр экан, — деб Зулфияга пичинг килибди.

Зулфия зор-зор йиглаб, ўтган кунларини эслабди. Кирк хотин эса тоза севинишибди. Кампир халтадаги икки чакалокни карвонлар ўтадиган чўл-биебонга элтиб ташлабди. Кирк хотин подшога хабар учун чопар юбора туриб унга:

— Хотинингиз тугди, дейсан, подшо шодланиб, «нима тугди» деганда, икки эчки боласи тугди: бири ургочи, бири эркак дейсан, — деб обдан тайинлашибди.

Чопар бориб, бу хабарни подшога етказибди. Буни эшитган подшо газабланиб, Зулфияни зиндонга ташлатибди.

Энди гапни бошка томондан эшитинг: Йўлдан ўтаётган карвонлар шум кампир ташлаб кетган болаларни кўриб, хайрон бўлибдилар. Улар орасида бир киши бор экан.

Болаларга унинг раҳми келиб иккаласини олиб кетибди. Тирнок бетига зор бўлиб юрган эр-хотин икки болани яхшилаб парвариш кила бошлабди. Уларга Хасан ва Зухра деб ном қўйишибди. Ойдан ой, йилдан йил ўтиб, Хасан билан Зухра етти ёшга киришибди.

Асранди болаларга ота-она жуда бино қўйишиб, уларга одоб-таълим ўргатишибди.

Болалар бу камбагал оилада жуда яхши тарбия олиб етишибдилар. Хасан улгайгаи сари кучли, бакувват бўлаверибди. Курашда ўзидан катталарни ҳам йикитадиган забардаст полвон бўлибди. У хар ишни уддалайдиган тадбирли, баходир йигит бўлиб етишибди.

Зухра эса хунар ўрганиб, чиройли гиламлар тўкийдиган бўлибди. Зухранинг тўкиган гиламлари бозордаги гиламлардан ўн чандон киммат юрар экан.

Кунлардан бир кун Хасан отасига:

— Менга бир яхши от, бир килич ва бир ўк-ёй олпб беринг, — деб ялинибди.

Отаси ўглининг айтганларини олиб берибди. Хасан хар куни овга чикадиган бўлибди.

Ўша юртнинг подшоси хам овга чиқар экан. Хасан ёш бўлса хамки, кўпгина ов килар, подшо эса курук кайтар экан. Подшо бу ходисани хотинига айтиб берар экан.

Бир куни Хасанга отаси бундай дебди:

— Синглинг билан икковингни чакалоклигингда чўлдан топиб олган эдим, икковингни парвариш килдик, мана энди катта бўлдиларингиз.

Шунда Хасан отасига миннатдорлик билдириб:

— Энди сизлардан бошка ота-онамиз йўк. Синглим икковимиз сиз билан онамизга кўлимиздан келганча яхшилик килайлик, — дебди.

Кунлардан бир кун Хасан овга чикибди. Подшо хам овга чиққан экан. Хасан кўп ов килибди. Подшо бош вазири билан курук кайтибди. Бу нарса подшога алам килиб, Хасандан:

— Э, бола, нимага бу ерда ов киласан? Ўзинг кимнинг ўглисан? — деб сўрабди. Шунда Хасан чакалоклик вақтида синглиси икковини бир карвон топиб олганидан тортиб, синглисининг хозир гилам тўкишга жуда уста бўлганигача айтиб берибди.

Подшо ахмок экан, хеч нарсани ўйламабди. Аммо халиги вазир ўйлаб туриб: «Ўша

болалар ўлмай, катта бўлган экан-да, ўзи ҳам худди отасига ўхшайди», деб кўнглига тугиб кўйибди ва бўлган воқеани бориб кизи билан шум кампирга айтиб берибди.

Вазирнинг кизи жуда айёр экан:

— Ха, ота, ўша болалар худди Зулфиянинг болалари, — дебди. Вазир ҳам:

— Ўшалар бўлса ажаб эмас, — дебди.

Подшонинг бош вазири, кирк хотин, шум кампир кўп афсус килибдилар.

Подшо эртасига яна овга чикибди. Хасан ҳам овга чиккан экан. Хасан подшони уйига чорлабди. Хасаннинг бокиб катта килган отаси подшони яхши қабул килибди.

Сухбат чортанг келибди. Подшо турли воқеаларни айтиб берибди. Зулфия тўғрисида ҳам сўз бўпти. Хасан билан Зухрани гапирибди. Карвоннинг хотини доно экан. У Хасанга карабди, подшога карабди, иккаласининг тусини, кош-кўзини бир-бирига ўхшатибди.

— Э шохим, бир қошик конимдан кечсангиз, бир гапим бор айтсам, — дебди.

— Кечдим, айт, — дебди подшо. Хотин гап бошлабди:

— Ўзингиз «менинг кирк хотиним бор эди, ҳеч қайсиси тугмас эди», дедингиз. Шундан кейин Зулфия деган кизга уйланганингизни ва унинг икки эчки боласи тукканини айтдингиз. Менимча, кундошлар Зулфияни кўролмай, макр-хийла билан икки бола ўрнига икки эчки боласини келтириб кўйишган бўлса керак. «Зулфия икки эчки боласи тугди», деган гап ёлгон. Нахотки, одам эчки боласи тугса. Бизнинг Хасан-Зухрамиз худди сизга ўхшайди. Зулфиянинг зиндонга солинганига қанча вақт бўлди?

— Роса ўн икки йил бўлди, — дебди подшо ва пешонасига бир уриб, «аттанг!» дебди.

— Воқеани Зулфиядан аниқлаб сўранг-чи, нима дер экан, — дебди хотин.

Подшо Хасанни олиб уйга қайтибди. Ўрдага борганда зиндонбонни чакириб, Зулфияни зиндондан чиқариб юборишга буюрибди. Зулфияни зиндондан олиб чикиб подшо қошига келтирибдилар. Подшога Зулфия ҳамма воқеани бирма-бир айтиб бериб йиглабди.

Шунда Хасан онасининг сўзини эшитиб: «Онамиз шу экан», деб она-бола йиглашиб кўришибди. Сўнгра подшо кирк хотинини чакириб, бўлган воқеани суриштира бошлабди. Подшонинг бир хотини ростгўй, тўғри сўз экан, бошқа хотинлари уни ёмон кўрар эканлар. Ўша хотин бутун сирни очиб ташлабди. Подшо газабланиб:

— Жаллод! Аввал вазирни, кейин кизини дорга ос! — дебди. Кейин ўттиз саккиз хотинини хайдаб юборибди. Подшо кирк кеча-ю кирк кундуз тўй-томоша килиб берибди...

Хасан ва Зухра эса ўз ота-оналаридан зиёд тарбиялаб вояга етказган карвонга ва унинг хотинига меҳрибонлик килиб, умр кечиришибди.